

## Янги ИСУЗУ русумли автобуслар сони кўпаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724 сонли ““Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда шаҳар ва қишлоқларда автотранспорт таъминотини янада ривожлантириш Дастури” га асосан Наманган вилояти ҳокимлигининг 2017 йил 16 январдаги 1-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан дастлабки автобуслар олиб келинмоқда. Шулардан Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Элмурод Бекмурод Транс» масъулияти чекланган жамияти томонидан Чортоқ миллий банк кредити маблағлари ҳисобига хар бир донасини 104,0 млн. сўмдан жами 4 дона “ISUZU SAZ HC 40” русумли автобус сотиб олиниб, 2017 йил 25 январь куни Чортоқ шаҳрига келтирилди. Ушбу харид натижасида эса 4та малакали хайдовчи иш билан таъминланди.

«Элмурод Бекмурод Транс» масъулияти чекланган жамияти жамоаси шу куни автобусларни ишга тушириш олдидан хайрия тадбири ташкил этишни ҳам унутмадилар. Ўзбекона азалий урфга кўра жонлиқ сўйилиб, тақлиф этилган нуроний отахонлар ва бошқа меҳмонлар учун катта кўчқор гўштига дамланган ош тортилди. Ўз навбатида оқсоқоллар ҳам бошлаган хайрли ишларга барака тилаб дуо қилдилар.

Бундан ташқари, шу куни «Элмурод Бекмурод Транс» масъулияти чекланган жамиятининг 2016 йил 20 ноябрдан 20 декабргача республикада “Автотранспорт воситаларида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ойлиги” ни ўтказишдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан махсус ташаккурномаси ва ушбу ойликда фаол иштирок этган ходимларига фахрий ёрлиқлар ҳудудий бўлим ходимлари томонидан тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати